

**O'zbekiston Respublikasi oliy va o'rta maxsus ta'lim
vazirligi**

**Buxoro oziq-ovqat va engil sanoat texnologiyasi
instituti**

**Проводник кобик дастуридан фойдаланиш буйича
КУЛЛАНМА**


Buxoro – 2010y.

Умумий маълумотлар.

Йулбошчи Windows нинг сервис дастурларидан бири булиб, сизга компьютерингизда мавжуд файллар, папкалар, дисклар аро утиш, уларнинг бир – бири билан информация алмашинувини таъминлаш, учирш, ёки янги хосил килиш амалларини бажаришга имкон беради.


Бир томондан уни сиз MS-DOS операцион тизимидаги Norton Commander сервис дастурига ушатиш мумкин. Лекин, Йулбошчи билан ишлаганда унинг имкониятлари шу кадар куп ва унинг фойдаланувчи интерфейси шу кадар кулайлигини куриб, йулбошчини бошка дастурлар билан такослаб булмаслигига ишонч хосил киласиз.

Йулбошчини юклаш учун «Пуск» менюсидаги Программы булимидан Проводник белгиси танланади ва унгасичкон тугмаси икки



марта босилади ёки Enter тугмаси ёрдами дастур юкланади.

Йулбошчи ойнасини оддий ёки Web саҳифа куришига урнатиш мумкин. Бунда сиз мутлако фаркли дастурларда ишлагандай тасаввурга эга буласиз. Шунингдек, Web саҳифа куришидаги йулбошчида бутунлай бошқа клавишлар комбинациялари, оддий йулбошчида эса бу клавишлар ҳеч қандай ишни бажармаслиги мумкин.



Йулбошчи дастурининг умумий ойнаси қуйидаги қуриниши.

Йулбошчи дастурининг умумий ойнаси қуйидаги қуринишга эга:

- Бош меню сатри – бу ерда йулбошчи билан ҳамма амалларни бажаришни таъминлайдиган меню буйруқлари келтирилган.




Бу ерда File, Edit, View, Go, Favorites, Tools ва Help менюлари келтирилган. Булардан File менюси асосан янги объект яратиш, объект учун ёрлик яратиш, жорий объектни учириш, номини узгартириш ва хусусиятларини қуриш

мумкин. Шунингдек, охириги утилган йуллар буйича юриш ва йулбошчи ойнасини ёпиш мумкин.

Edit менюси эса, охириги буйрукдан воз кечиш, жорий файлни киркиб олиш, жорий файлдан нусха кучириш, буфердаги объектларин жорий папкага урнатиш, жорий ойнадаги хамма объектларни белгилаш ва белгилашдан воз кечиш амалларини бажаришга мулжалланган.

View менюси асосан йулбошчининг ташки курунишини узгартириш учун хизмат килади. Унда куйидагича буйруклар мавжуд. Ускуналар ойналарини урнатувчи буйрук, холат сатрини чикариш ёки уни олиб ташлаш, Explorer панелини фаоллаштириш ва унда амаллар бажариш, йулбошчи ойнасини Web сахифа курунишида тесвирлаш, йулбошчи ойнасидаги объектларинг курунишини узгартириш,шунингдек, объектларни маълум тартибда саралаш, йулбошчи ойнасини янгилаш ва папклар хусусиятларини чикариш ва узгартириш мумкин



Go менюси асосан Internet тармогида ишлаганда кулланишга мулжалланган. Масалан у ерда бош сахифага утиш, Web дан кидириш ва шу каби амаллар бажариш мумкин.

Favorites менюси эса асосан танлаганлар папкаси билан ишлашга мулжалланган, бу меню оркали папкага янги объект кушиш, структурасини

узгартириш, Internetдаги баъзи керакли манзилларга бирдан утишни таъминловчи буйруklar туплами мавжуд.

Tools менюси ёрдамида эса, файллар, папкалар, компьютерлар (тармокдан) одамлар (фойдаланувчилар)ни кидириш ишлари амалга оширилади. Унингдек, бу меню оркали Компьютерга янги тармок дискини урнатиш, унинг хусусиятларини узгартириш, папкалар хусусиятларини узгартириш ва шунга ухшаш ишлар амалга оширилади.

Help менюси эса асосан йулбошчи ва Windows операуцион тизимида ишлаш тугрисида фойдали ахборотларни беришга мулжалланган.

- Стандарт тугмалар сатри – бу ерда йулбошчида тез-тез бажариладиган амалларнинг бажарилишини автоматлаштирадиган тугмалар берилган.



Бу ерда тугмалар остига номиёзиб чиқарилади. Масалан, Back тугмаи ёрдамида бундан олдин ишланган папкага утиш мумкин, Forward тугмаси эса, кейинги папкага утишни таъминлайди. Лекин йулбошчи ойнасига дастлабки кирилган вақтда бу икки тугма фаол булмайди. Up тугмаси битта юкори савиядаги объектга чиқишни таъминлайди. Cut тугмаси эса, жорий ёки белгиланган объектларни киркиб олади. Copy объектларнинг нусхасини олиш учун, Paste тугмаси булса, буфердаги объектни жорий папкага ташлайди. Шунингдек, бу панелда охириги буйрукдан воз кечиш, объектни учуриш, объект хусусиятлари ойнасини чиқарувчи ва объектларнинг ташки курунишини узгартирувчи тугмалар мавжуд.

- Манзил панели.



Бу ерда файлларга ёки дастурларгача булган йуллар ёзилади ва шу ердан бошка папкаларга утиш мумкин.

- Объектлар ойналари. Бу асосан икки ойнадан иборат булиб, унгда томондаги ойнада ишчи стол, тармоқдаги компьютерлар, дисклар, папкалар руйхати, чап томондаги ойнада эса, дисклар, папкалар ва файллар руйхатлари туради
- Холат сатри

Объектов: 9

Бу ерда унгда томондаги ойнада канча объектлар борлиги, жорий файлнинг хажми, ва шу каби информациялар чиқарилади.

Йулбошчи ойнасида бажариладиган асосий амаллар тавсифи.


Юқорида таъкидлаганимиздек, Йулбошчи ойнасида турли хил амалларни бажариш мумкин. Масалан объектларни нусхалаш, учириш, номини алмаштириш ва шу каби амаллар бажарилади.

Йулбошчи ойнасида энг куп бажариладиган амаллардан бири бу объектдан нусха олиш амалидир. Бу амалдан объектни бир жойдан иккинчи жойга кучириш (дискета орқали бошқа компьютерларга утказиш), захирасини олиб куйиш, ёки мазмунини узгартириш мақсадида нусхалаш мумкин. Бунинг учун аввал

- нусхаланадиган объект белгиланади
- объект нусхаси буферга олинади, бу ишни куйидагича бажариш мумкин:
 - сичконнинг унгда тугмасини босиб, контекстли менюдан «Копировать» буйругини танлаш;
 - Стандарт тугмалар сатридан «Копировать» тугмасини танлаш;
 - Edit менюсининг «Копировать» буйругини танлаш;

- Ctrl+C ёки Ctrl+Ins тугмалар комбинациясини босиш;
- Объект урнатиладиган папкага утиш;
- Буфердаги объектни куйиш, бу ишни куйидагича бажариш мумкин:
 - сичконнинг унги тугмасини босиб, контекстли менюдан «Вставить» буйругини танлаш;
 - Стандарт тугмалар сатридан «Вставить» тугмасини танлаш;
 - Edit менюсининг «Вставить» буйругини танлаш;
 - Ctrl+V ёки Shift+Ins тугмалар комбинациясини босиш;


Объект нухасини кучираётган вақтда экранга мос, мулоқот ойнаси чиқарилади:



Бу мулоқот ойнасида қайси объект нухаланаётгани, у қайси папкадан қайси папкага кучириляётгани ва нухалаш яна қанча вақт давом эттирилиши ҳақида ахборотлар чиқарилади. Эътиборли томони шундаки, бу жараёни истаган вақтда тухтатиш мумкин. Бунинг учун «Отмена» тугмасини босиш қифоя. Агар жараён тугаасдан тухтатилса, олувчи (объект нухаланаётган) папкага объект туширилади, лекин, у тулик булмай, иш учун ярқисиздир.


Маълумки, компьютернинг хотира фазоси чегараланган. Шунинг учун бу ерга доим объектларни киритаверсак, у тулиб қолиши мумкин. Бунинг олдини олиш мқсадида дискдан кераксиз объектларни, учуриш имконияти киритилган. Йулбошчи ойнасида қуп бажариладиган ишлардан яна бири бу объектларни учуриш амалидир.

Купинча йулбошчи (умуман Windows) даги хар кандай объект учирилганда, у кайта тиклаш имконияти булиши учун вақтинча Корзинага ташланади.



бунда энг аввал сизга (экранда) учиришни тасдикловчи хабар чикарилади. Тасдиклангандан сунг объект корзинага жойлаштирилади.


Лекин, агар бу объектга кейинчалик умуман эҳтиёж тугилмаса, уни тулигича учириб юбориш мумкин. Бу холда объект корзинага жойлаштирилмасдан тулигича учириб юборилади ва экранга мос мулокот ойнаси чикарилади. Бу жараёни истаган вақтда «Отмена» тугмасини босиб тухтатиш мумкин.



Шунингдек бу мулокот ойнасида кайси объект учирилаётгани ва тулик учириш учун канча вақт колгани куришиб туради. Учириш жараёни тугатилгач, экрандаги учириш мулокот ойнаси йуколади.

Функционал клавишлар.


- **F1** – ёрдам олиш



Бу функция ёрдамида сиз асосан Windows ва йулбошчи дастурларида ишлаш, керакли объектлар билан баъзи амалларни бажариш ва шунга ухшаш жуда керакли ахборотларни олишингиз мумкин. Шунингдек сиз «Index» булимига утиб, сизни кизиктирган термин ёки объект хакида кискачи ахборот олиш мумкин.


- **F2** – жорий объект(диск,папка,файл)нинг номини узгартириш
Бу амал ёрдамида сиз жорий объектнинг номини узшгартириш имкониятига эга буласиз. Жорий объектга F2 тугмасини босганимизда унинг номи белгиланади ва курсор шу номдан кейинда жойлашади. Сунгра керакли узгаришларни киритиш ва Enter тугмасини босиб узгаришларни тасдиклаш керак. Эслатма! Сиз хеч қачон бирор дастур мурожаат қилиб турган дастурни номини узгартира олмайсиз. Бу вақтда сизга бу файлга мурожаат қилишга имкон берилмайди.

- **F3** – «Найти папки и файлы» мулоқот ойнасини чиқариш



бу мулокот ойнасида биз куплаб объектлар тупламида айнан бизга кераклисини топиб олишимиз мумкин. Бунда куйидаги имкониятлар берилади: Сиз керакли объектни номини киритишингиз ва у кидириладиган жойни курсатишингиз мумкин. Шунингдек, сиз объектнинг номини билмасангиз, унинг мазмунидаги матн буйича, у яратилган вақт буйича, ёки объектнинг хажми буйича кидиришингиз мумкин.

- **F4** – манзиллар панелини фаоллаштиради ва ундан объект танлаш режимига утилади




Бунда сиз руйхатдан керакли объектни танлашингиз, тармокдаги компьютерларга мурожаат килиш, объект мазмунини куриш имкониятига эга буласиз. Манзиллар сатрининг имкониятлари шу кадар купки, уларни факат хакикий мутахассис тушуна олади. Масалан сиз бирорта харф киритганингизда, манзиллир сатрининг ойнаси очилиб, унда шу харф билан бошланувчи объектлар руйхати

чиқарилади. Сиз бу руйхатдан керакли объектни бемалол танлаб олишингиз мумкин.

- **F5** – янгилаш. Йулбошчининг бу имконияти хам жуда ахамиятга молик ҳисобланади, масалан сизга тармок орқали бирор компьютердан ахборот келганда сиз йулбошчи ойнасида ишлаб тургансиз ва келиб тушган объектдан хабарингиз булмайдди. Шу пайтда сиз F5 тугмасини боссангиз, йулбошчи ойнаси янгиланади ва сиз ишлаб турган вақт мобайнида килинган узгаришлар экранда аксланади.
- **F6** – мавжуд ойна(папкаларлар ойнаси, файллар ойнаси, манзиллар ойнаси)лар орасида утишни таъминлайди. Юқорида айтиб утганимиздек йулбошчи дастури бир нечта ойналардан иборат. Сиз бу ойналарнинг биридан иккинчисига утиш учун F6 тугмасидан фойдаланишингиз мумкин.
- **F10** – йулбошчи бош менюсига чиқиш. Маълумки, йулбошчи узининг менюсга эга. Бу менюга чиқиш учун сиз F10 тугмасидан фойдаланишингиз мумкин. Бош менюга чиқилгач, курсорни ҳаракат тугмалари ёрдамида кузгатиш мумкин. Enter ва пастга йуналган тугмалар мос менюнинг буйруқларини фаоллаштиришга сабаб булади.
- **F11** – йулбошчи ойнасини тулик экранли қуринишга утказиш ва дастлабки холга қайтариш. Бу амал ёрдамида айтилганидек йулбошчи ойнасини тулик экранли қуринишга утказиш мумкин. Бу холда экранда йулбошчи ойналари ва унинг стандарт тугмалар сатри қуринади холос. Бу холат меню сатридан қуп фойдаланмай, фақат объектлар устида амаллар бажарган вақтда қулай. Аввалги холга қайтиш учун яна F11 тугмасини босиш керак.

Унг томондаги рақамлар клавиатурасидаги клавишлар.

- / - манзиллар ойнасида аник манзилларни ёзиш учун кулланилади. Бу тугмадан бирор дискнинг номи ёзилиб икки нукта куйилгач, ёки бирор папканинг мазмунига мурожаат килишда фойдаланиш мумкин. Масалан, «/c:/windows/» WINDOWS папкасидаги объектларни экранга чиқаради, шу вақтнинг узида папкалар ойнасида WINDOWS папкаси очилади.
- * - Папкалар ойнасида ҳамма папкаларни ва қисм папкаларни тулигича очиб курсатиш. Бу тугма босилганда папкалар ойнасидаги ҳамма объектлар (дисклар, папкалар,...) очик холга утади. Сунгра биз хар бир папканинг ички объектлари ёки қисм папкаларини охириги боскич объектигача куриш имкониятига эга буламиз.




- - - Очик турган папкани ёпиш

- + - Ёпик папкани очиш


Клавиатурадаги клавишлар.

- \ - Бу тугмадан купинча тармок манзилини ёзиш учун фойдаланилади. Масалан сиз тармокдаги бирор компьютерга мурожаат килмокчисиз, бу пайтда манзиллар сатрига чикиб, «\\Newkomp» ёзилса, уша компьютер фаоллашади.
 - **{Tab}** - мавжуд ойна(папкаларлар ойнаси, файллар ойнаси, манзиллар ойнаси)лар орасида утишни таъминлайди. Юкорида айтиб утганимиздек йулбошчи дастури бир нечта ойналардан иборат. Сиз бу ойналарнинг биридан иккинчисига утиш учун **{Tab}** тугмасидан фойдаланишингиз мумкин.
 - **{Shift+Tab}** - мавжуд ойна(папкаларлар ойнаси, файллар ойнаси, манзиллар ойнаси)лар орасида тескари тартибда утишни таъминлайди
 - **{Shift +F6}** - мавжуд ойна(папкаларлар ойнаси, файллар ойнаси, манзиллар ойнаси)лар орасида утишни таъминлайди
 - **{Shift+Insert}** – Буфердаги файлни жорий каталокка ташлаш
 - **{Shift+ Del}** – Жорий ёки белгиланган файл(папка)ларни Корзинага ташламасдан учуриш
 - **{Shift +F10}** – Жорий файл, папка, диск ёки компьютернинг контекстли менюсини чикариш.
-
- **{Win}** – Контекстли менюни чикариш.




- **{Alt+F}** – File менюсини фаоллаштириш
- **{Alt+E}** – Edit менюсини фаоллаштириш
- **{Alt+V}** – View менюсини фаоллаштириш
- **{Alt+G}** – Go менюсини фаоллаштириш
- **{Alt+A}** – Favorites менюсини фаоллаштириш
- **{Alt+T}** – Tools менюсини фаоллаштириш
- **{Alt+H}** – Help менюсини фаоллаштириш
- **{Alt+D}** – Манзиллар панелига утиш
- **{Alt+→}** – Йулбошчи ойнасидаги hozirgi папкадан олдин ишланган папкага кайтиш
- **{Alt+←}** – Йулбошчи ойнасидаги hozirgi папкадан кейинги ишланган папкага утиш
- **{Alt+Home}** – HomePage га кайтиш (йулбошчи Web саҳифа курунишида булганда)
- **{Alt+Enter}** – Жорий объектнинг хусусиятлари ойнасини чиқаради
- **{Ctrl+C}** – Белгиланган ёки жорий файл(папка)ларни нусхасини буферга олиш
- **{Ctrl+X}** – Белгиланган ёки жорий файл(папка)ларни буферга киркиб олиш
- **{Ctrl+V}** – Буфердаги файл(папка)ларни жорий каталокка ташлаш
- **{Ctrl+A}** – Жорий папкадаги ҳамма объектларни белгилаш
- **{Ctrl+W}** – Йулбошчи ойнасидан чиқиш


- **{Ctrl+E}** - Йулбошчи ойнасини бир ойнали ва икки ойнали курунишга утказиш. Икки ойнали курунишдаги унг томондаги ойнада Internet Explorer ойнаси очилади.
- **{Ctrl+I}** – Йулбошчининг биринчи ойнасида «Танланганлар» (Избранное) ойнасини курсатиш




- **{Ctrl+H}** – Йулбошчининг биринчи ойнасида Web сахифалар яратилиш вакти буйича саралаб, курсатилади. Бунда бирор сана танланганда, шу санага тегишли вақтда яратилган «Мой компьютер»даги Web сахифалар руйхатини курсатиш



- **{Ctrl+O}** – Маълум типдаги файлларни очиш. Бунда купинча, HTML хужжатлар манзиллари киритилади, лекин, «Browse» тугмасини босиш оркали бошқа ихтиёрий типдаги файлларни алоҳида ойнада очиш мумкин.



- **{Ctrl+F}** – «Найти папки и файлы» мулоқот ойнасини чиқариш



Расмдаги ойна фақат **{Ctrl+F}** тугмаси оркали бошқа режимга утилганда чиқарилади. Бошқа режимларда эса, «Найти папки и файлы» ойнаси чиқарилади.

- **{Ctrl+Z}** – Жорий папкадаги бирор файлни учиришни тасдиқловчи хабарни чиқаради, охири амалдан воз кечиш.
- **{Ctrl+B}** – Танланганлар папқасининг структурасини узгартирувчи мулоқот ойнаси чиқарилади
- **{Ctrl+Insert}** – Жорий файлни буферга нусхалаш
- **{Del}** – Жорий ёки белгиланган файл(папка)ларни Корзинага ташлаш.
- **{Home}** – Жорий ойнадаги руйхатнинг охири элементига бориш
- **{End}** – Жорий ойнадаги руйхатнинг биринчи элементига бориш
- **{Space}** – Папкалар ойнасида бир дискдан иккинчи дискка утиш.